

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ  
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ  
«ПЕНСИЯ ИШИ» МУТАХАССИСЛИГИ ТАЛАБАСИ ЮЛДАШЕВА КАМОЛА  
РАВШАНОВНАНИНГ «ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДАГИ  
ИСЛОХОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ  
МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АННОТАЦИЯСИ**

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда пенсия тизимини такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Пенсия тизимини молиялаштиришнинг комплекс тарзда ҳал этишнинг зарурлиги, мамлакатимизда пенсия тизимини ривожлантиришнинг ўрта муддатли стратегик концепциясини ишлаб чиқишига эҳтиёжнинг мавжудлиги, ушбу муаммони ҳал этишнинг назарий асослари ва амалга ошириш механизмининг етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқот ишининг мақсади** – иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пенсия таъминоти маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот ишининг вазифалари:**

- давлат пенсия ислохотларини олиб боришда давлат пенсия таъминоти тизимининг зарурлиги ва аҳамиятини асослаш;
- Пенсия таъминоти маблағлари шаклланишининг илмий–назарий жиҳатларини тадқиқ этиш;
- давлат пенсия таъминоти ислохотларини олиб боришда меъёрий-хуқуқий асослари назарий жиҳатларини кўриб чиқиш, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Давлат пенсия таъминоти тизимининг харажатларини таҳлил қилиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланиш амалиётини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш асосида пенсия тизимини ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;
- яқин истиқболда пенсия тизими молиялаштириш амалиётини тако-миллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот обьекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармаси фаолияти танланган.

**Тадқиқот предметини** Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш, жамғаридар бориладиган пенсия жамғармаси фаолиятининг ташкил этилиши, даромадларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланишининг самарадорлигини ошириш жараёнида содир бўладиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Магистрант :

Юлдашева К.Р.

Илмий раҳбар:

доц. Абдуллаев З.А.